

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2023 йил февраль ойининг 7 куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Ж.М.Тожиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Норбаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Бухоро шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Рахимов, жабрланувчи Х.Авезованинг қонуний вакили Б.Авезовнинг иштирокида, судланувчи Музафаров Баҳодир Болтаевичга оид 1-2001-2204/739-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Музафаров Баҳодир Болтаевич
/Muzafarov Bahodir Boltayevich/ – 1987 йил 24 май куни Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали 2 нафар фарзанди бор, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Бухоро шаҳар “Оқмасжит” кўчаси 8/3 уй 2-хонада истиқомат қилади, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 25.12.2022 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Музафаров Баҳодир Болтаевич 2022 йил 26 июль куни соат тахминан 22:00ларда Бухоро шаҳар “Навбаҳор” МФЙ, “Оқ Масжит” кўчаси олдида жойлашган савдо дўкони орқа томонида ўғли вояга етмаган Болтаев Музаффаржон Баҳодировични фуқаро Авезова Хумор Ачиловна қўлида бўлган аёллар сумкаси билан уриб тан жароҳати етказганлигидан ҳамда унинг ўзи ва ўғлига ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, уларнинг шаъни ва қадр қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, ҳақорат қилганлигидан жаҳли чиқиб, Х.Авезова ушлаб турган аёллар сумкасини қўли билан тортиб, қайириб, қўл мушти билан уриб, Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 10.08.2022 йилдаги 842-сонли экспертиза хулосасига кўра Х.Авезовага ўнг қўл 2-бармоқ ўрта фалангасидан ёпиқ синиши, чап қўл



елка соҳасида қонталаш, чап қўл биринчи бармоқ соҳасида шилинма каби ўртача оғирликдаги тан жароҳатларини етказган.

Судланувчи Музафаров Баҳодир Болтаевич суд мажлисида айбига умуман иқрорлик билдирмасдан, 2022 йил 26 июль куни соат тахминан 22:00ларда Бухоро шаҳар “Навбаҳор” МФЙ, “Оқ Масжит” кўчаси 8/3-уй олдида ўғли Болтаев Музафар билан билан айвончада турмуш ўртоғини келишини кутиб ўтирган вақтида, “Дамас” русумли 80L 310 LA давлат белгили автомашина келиб, уйи подъезди олдида тўхтаб, йўлни ёпиб қўйганлигини, шунда у кейинчалик исм-шарифини билган Ғ.Шароповга автомашинасини чеккароққа қўйишини, йўлни ёпиб қўйганлигини айтганлигини, шунда у унинг ушбу гапини рад этиб “Нега машинамни оламан, бу жой сеникими, кимга ҳалақит килади”, деб бепарво бўлганлигини, шунда унга ҳозир турмуш ўртоғи автомашинада келишини, у тажрибали ҳайдовчи эмаслигини, автомашинани шикастлаб олиши мумкинлигини айтганлигини, лекин Ғ.Шаропов унинг айтганини қилмасдан у билан оғзаки тортишиб қолганлигини, шу вақтда Ғ.Шаропов билан бирга келган Х.Авезова қўли билан унинг бош қисмидан бир маротаба урганлигини, Шаропова Кумуш эса қўллари билан қўллари тирнаганлигини, қўшниси З.Мурадовнинг бошқа аёл қариндошлари ҳам унга ташланганлигини, Ғ.Шаропов ҳам уни турли ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, қўллари мушт қилиб, унинг бош ва юз қисмига бир неча маротаба урганлигини, у ўзини ҳимоя қилиб Ғ.Шароповни ҳам қўллари билан урганлигини, сўнгра воқеа жойига турмуш ўртоғи ва жияни Ш.Болтаев келганлигини, шу вақтда ўша ерда жойлашган савдо дўконнинг орқа томонида вояга етмаган ўғли Болтаев Музаффаржон Баҳодировични фуқаро Авезова Хумор Ачиловна қўлида бўлган аёллар сумкаси билан уриб тан жароҳати етказганлигидан ҳамда унга ва ўғлига ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, уларнинг шаъни ва қадр қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, ҳақорат қилганлигидан жаҳли чиқиб, Х.Авезова ушлаб турган аёллар сумкасини қўли билан тортиб олганлигини, у уни урмаганлигини, қўл бармоғи қаерда синганлигини билмаслигини билдириб, унинг айби йўқлигини инobatга олиб, қонуний қарор қабул қилишни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи ва қонуний вакил сифатида эътироф этилган Авезов Бахтиёр Очилович 2022 йил 26 июль куни кечки пайт синглиси ва яқинлари Бухоро шаҳар “Навбаҳор” МФЙ, “Оқ Масжит” кўчаси 8/3-уйга қариндоши З.Муродовнинг хонадонига меҳмондорчиликка борганликларини, уй олдида бўлган М.Музафаров ҳайдовчи Ғ.Шароповга автомашинасини бу ерга қўймаслигини айтиб, улар билан жанжаллашиб, синглиси Х.Авезовага тан жароҳати етказганлигини, яъни Х.Авезова ушлаб турган аёллар сумкасини қўлидан тортиб, уни йиқитганлигини ва уни урганлигини шунда синглисининг қўл бармоғи синганлигини ва жароҳат олганлигини, синглиси бир неча кун шифохонада даволанганлигини, унинг ўзи синглига қараб турганлигини, синглисининг даволанишига 4.000.000 сўм



сарфлаганлигини, Б.Музафаров синглисидан хабар олмаганлигини, уларга етказилган зарарларни қопламаганлигини билдириб, Б.Музафаровга нисбатан қонуний чора кўриб, унга етказилган зарарларни ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Мурадов Зиадуро Раушанович суд мажлисида 2022 йил 26 июль куни кечки пайт синглиси ва яқинлари Бухоро шаҳар “Навбахор” МФЙ, “Оқ Масжит” кўчаси 8/3-уйга унинг хонадонига меҳмондорчиликка келганликларини, соат чамаси 18:30 ларда кўчада шовқинни эшитиб, ташқарига чиққанида, кўшниси Б.Музафаров билан куёви Ғ.Шаропов тортишиб турганликларини, Б.Музафаров куёвига автомашинасини бошқа жойга қўйишини тушунтираётган вақтида, у кўшнисига улар меҳмондорчиликка келганлигини, ундай қилмасликни тушунтирганлигини, у ерда жиянлари Х.Авезова, Ф.Авезова ҳамда қудаси К.Шароповлар ҳам бўлганлигини, кейин улар биргаликда яраштириш учун профилактика инспекторининг хонасига борганликларини, у ердан чиқишиб унинг уйида ўтирганликларини, шу куни соат тахминан соат 22:00 ларда Ғ.Шаропов ва аёлларни кўчага кузатишга чиққанлигини, кўчада меҳмонларнинг “Дамас” русумли автомашинасининг олдида Б.Музафаров ҳамда 5-6 нафар фуқаролар турганликларини, шунда Б.Музафаров Ғ.Шароповга гапи борлигини айтиб, уни савдо дўконининг орқасига олиб кетганлигини, у ҳам уларнинг орқасидан борганлигини, шунда Б.Музафаров ва унинг танишлари Ғ.Шароповни мушт билан юзидан урганликларини, Ғ.Шаропов ерга йиқилганида, улар уни тепиб ташлаганликларини, у уларни ажратмоқчи бўлганида, Б.Музафаров ва унинг шериклари уни ҳақорат қилишиб, чеккароққа олиб кетганлигини ва Б.Музафаров уни оёғи билан тепганлигини, у эса ерга йиқилиб, ҳушидан кетганлигини, кейинчалик экспертизада жияни Х.Авезова ҳам тан жароҳати олганлигини билганлигини, лекин уни ким урганлигини кўрмаганлигини, унга тан жароҳатини Б.музафаров етказганлигини жиянидан эшитганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Тошева Зарина Одировна суд мажлисида 2022 йил 26 июль куни тахминан соат 18:30 лар атрофида у уйга келган вақтида, ташқарида автомашина қўйиладиган жой масаласида турмуш ўртоғи Б.Музафаров ва кўшнилари жанжаллашаётганликларини кўрганлигини, келганида турмуш ўртоғининг аҳволи яхши эмаслигини, қўлидан жароҳат олганлигини, турмуш ўртоғи Х.Авезовани урмаганлигини, у ўғлини сумкаси билан ураётган вақтида унинг қўлидан сумкасини тортиб олганлигини, шунда сумканинг темири тегиб бармоғи синган бўлиши мумкинлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ вояга етмаган Болтаев Музаффаржон Баходирович суд мажлисида 2022 йил 26 июль куни содир бўлган жанжалнинг келиб чиқишига кўшнилариликка келган меҳмонлар отасини ҳақорат қилганликлари сабаб бўлганлигини, у ҳам ўша ерда бўлган вақтида Х.Авезова исмли аёл қўлидаги аёллар сумкаси билан уни бошидан



урганлигини ва унга тан жароҳати етказганлигини, шунда отаси Б.Музафаров келиб, Х.Авезованинг қўлидан сумкасини тортиб олганлигини, шунда Х.Авезованинг қўл бармоғи қайрилиб кетганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг фикрини эшитиб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, судланувчи Б.Музафаровнинг жиноят содир этишдаги айби дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, ариза ва хабарнома (и.в. 5-10), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото жадвал (и.в. 11-12), Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 2022 йил 10 августдаги 842-Т-сонли хулосаси (и.в. 15-17), рентген тасвири, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 156-162) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд дастлабки тергов томонидан судланувчи Б.Музафаровнинг соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Гарчи, Б.Музафаров суд мажлисида айбига умуман иқрорлик билдирмасдан Х.Авезовани урмаганлигини, унга тан жароҳати етказмаганлигини билдириб кўрсатув берган бўлсада, суд унинг ушбу кўрсатувларини судланувчининг жавобгарликдан қутулиб қолиш ёки айбини енгиллаштириш мақсадида келтирган важлар сифатида баҳолаб, унинг ушбу важларини судда сўроқ қилинган жабрланувчи Ф.Тоҳиров, гувоҳ Ғ.Шаропов, З.Муродовнинг кўрсатувлари, ариза ва хабарнома, Республика суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 2022 йил 10 августдаги 842-Т-сонли хулосаси билан тўлиқ рад қилинади.

Қолаверса, судда сўроқ қилинган вояга етмаган М.Болтаев суд мажлисида 2022 йил 26 июль куни содир бўлган жанжалнинг келиб чиқишига қўшнилариникига келган меҳмонларни отасини ҳақорат қилганликлари сабаб бўлганлигини, у ҳам ўша етда бўлган вақтида Х.Авезова исмли аёл қўлидаги аёллар сумкаси билан уни бошидан урганлигини ва унга тан жароҳати етказганлигини, шунда отаси Б.Музафаров келиб, Х.Авезованинг қўлидан сумкасини тортиб олганлигини, шунда Х.Авезованинг қўл бармоғи қайрилиб кетганлигини баён қилди.

Суд судланувчи Б.Музафаровнинг шахси ва муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди ҳамда унинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида назарда



тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этилишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган энгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин” лиги қайд этилган.

Ушбу кодекснинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” белгиланган.

Суд судланувчи Б.Музафаровга нисбатан жазо масаласини муҳокама қилиб, бу борада юқоридаги Қонун талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига риоя қилишлари лозимлиги тўғрисидаги талабларига амал қилиб, судланувчига нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг шахси, оилавий шароити, муқаддам судланмаганлигини, шунингдек жабрланувчининг унга нисбатан қонун доирасида жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатувларини, етказилган моддий зарарларни қопланмаганлигини ҳамда жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга у айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Суд, жабрланувчига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 497¹-497⁴-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Музафаров Баҳодир Болтаевич /Muzafarov Bahodir Boltayevich/
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.



Музаффаров Баҳодир Болтаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 10 (ўн) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 /бир/ йил 6 /олти/ ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган корхона, муассаса ва ташкилотларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати Б.Музаффаров корхона, муассаса ва ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижросини назорат қилиш Бухоро шаҳар ИИО Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Б.Музаффаровга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 /йигирма/ сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчига ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ҳукм апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга кирганидан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ж.М.Тожиев

Нусхаси аслига тўғри.

